ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 январь куни франциялик таниқли тадбиркор Эндрю Гелфини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги муносабатлар, жумладан, иқтисодий ва маданий соҳадаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётгани, Франциянинг кўплаб машҳур фирма ва компаниялари республикамизда самарали фаолият кўрсатаётганини қайд этиб, ўзаро манфаатли алоқаларни янада равнақ топтириш борасида ҳали талай имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Эндрю Гелфи франциялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши юқори эканини айтиб, уларни мамлакатимизга сармоя киритишга жалб этишда барча имкониятларини ишга солишини айтди.

Суҳбат чоғида франциялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган бир қанча йўналишлардаги лойиҳаларни тезроқ ҳаётга жорий этиш ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Америкадан хушхабар

ИСЛОМ КАРИМОВ – ХАЛҚАРО АКАДЕМИЯНИНГ ФАХРИЙ АЪЗОСИ

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда юз бераётган ижобий силжишлар, республикамизнинг ҳақиқий демократик жамият қуриш йўлидан дадил бораётгани халқаро ҳамжамият томонидан тобора кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тинчликни сақлаш, ҳозирги мураккаб сиёсий шароитда Ўзбекистонда миллий зиддиятларнинг олдини олиш борасидаги улкан хизматлари учун фанлар, таълим, индустрия ва санъат Халқаро Академиясининг фахрий аъзоси этиб сайлангани тўғрисида Америка Қўшма Штатларидан келган хушхабар бу фикрнинг яна бир далилидир.

Фанлар, таълим, индустрия ва санъат Халқаро Академияси Калифорнияда турли мамлакатлар вакиллари томонидан ташкил этилган бўлиб, олимлар, сиёсат ва маданият арбобларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради. Унинг асосий мақсади — Европа, Осиё ва Америка халқлари ўртасидаги аҳилликни мустаҳкамлашдан, турли мамлакатлар мутахассисларининг саъй-ҳаракатларини жипслаштириш йўли билан ҳали юзага чиқмаган илмий ғоялар, ютуқлар ва индустриал ресурсларни амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Бу эзгу ғояларни амалга ошириш мақсадида Нью-Йоркда, Канадада, Францияда, Москвада, Новосибирскда, Украинада, Грузияда, Эстонияда, Қирғизистонда академия филиаллари ишлаб турибди.

Атоқли сиёсий арбоблардан АҚШ Президенти Жорж Буш, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, тинчлик соҳасида Нобель мукофоти лауреати Ригоберта М. Тум мазкур Академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганлар.

Ислом Каримовни самимий қутлаган Академия президенти Михаил Бахмутский Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиёда биринчи бўлиб бу Халқаро Академиянинг фахрий аъзоси этиб сайланганини таъкидлади. У шунингдек, Ислом Каримовнинг ўтиш даври шароитида тинчликни сақлаш ишига қўшган ҳиссасининг бундай эътироф этилиши Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари жамоатчилиги учун алоҳида аҳамиятга молик эканини қайд этди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 25 январь, пайшанба № 11 (21.932)

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТЎЛОВ ИНТИЗОМИНИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТИЗИМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш, тижорат банклари, корхоналар ва ташкилотларнинг тўлов интизомига риоя қилиш учун жавобгарлигини ошириш, ўзаро қарзларни қисқартиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Пахта-банк», «Ғаллабанк», «Мевасабзавотбанк» ва бошқа тижорат банклари корхоналар ва ташкилотлар томонидан кафолатланган тўловларсиз маҳсулот етказиб берилишига йўл қўймаган ҳолда, уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тизими устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳосил бўлганлиги учун тижорат банкларининг раҳбарлари корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда шахсан жавоб берадилар.

2. Вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар ва ташкилотлар:

республика истеъмолчиларига маҳсулотларни етказиб бериш ҳажмининг камида 15 фоизига олдиндан ҳақ тўланган ҳолдагина юклаб жўнатсинлар;

харидорларга хизмат кўрсатувчи ваколатли банкларнинг кафолатлари мавжуд бўлганда, тўловлар олингандан, аккредитив очилгандан кейин экспортга маҳсулот етказиб бериш (хизматлар кўрсатиш) юзасидан контрактлар тузсинлар ва уларни бажарсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бош божхона бошқармаси харидорларга хизмат кўрсатувчи банкларнинг кафолати олингани тўғрисида ваколатли банкнинг тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган тақдирда товар-моддий бойликларнинг республикадан ташқарига чиқарилишига йўл қўймасин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси 1996 йил 1 февралдан бошлаб бухгалтерия ҳисоби тизимига корхона ва ташкилотлар балансларида тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ажратиб кўрсатиш жорий этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш юзасидан таклифлар тайёрласин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил, 24 январь.



«Тоштекстиль» ҳиссадорлик жамияти учун 1995 йил иқтисодий жиҳатдан ўнгланиш ва ўсиш йили бўлиб қолди. Шу йили корхона бир неча йил давом эттан турғунликдан сўнг режаларини барча кўрсаткичлар бўйича ошиғи билан бажаришга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунларда корхона маҳсулотлари ҳамдўстлик мамлакатларига, Японияга ва бошқа кўплаб хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу ерда ўрнатилган янги ускуналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли ҳамда жаҳон андозаларига жавоб берадиган даражада бўлишига ва ишчилар учун бир қанча қулайликлар яратилишига имкон берянти.

СУРАТЛАРДА: 1. Тўқувчи Маҳбуба Саримсоқова. 2. Корхона цехларида.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗИДА ЙЎҚ — ЙЎРИҚНИ БИЛМАС

Мирзачўл туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш аҳволи ёмон: Президентимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоят Кенгаши сессияларида сўзлаган нутқидан кейингина кўпгина туман ва хўжалик раҳбарлари анчадан бери унутилган хизмат соҳасига қайта назар солиб, йўл қўйган хато-камчиликларини тузата бошладилар. Бироқ, Мирзачўл туманида ҳозирча бирор ўзгариш бўлгани йўқ.

Туманда 52 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Уларнинг қарийб 10 мингга яқин автомобиль ва мотоцикллари, 17 мингдан зиёд радио, телевизори, минглаб музлатгич ва кир ювиш машиналари бор. Рузғор учун ниҳоятда зарур бўлган ана шу буюмлар бузилса, усталарга йилнинг тўрт фаслида ҳам ҳар куни иш етарли. Бундан ташқари чўлқуварларга сартарошу, этикдўзлик, бичувчилик, тикувчию суратқашнинг нақадар керак-лигини ўзингиз тушунасиз.

Туманда замонавий лойиҳадаги 7 та хизмат уйи бўлиб, уларнинг ҳаммаси хусусийлаштирилиб берилган. Лекин қоидага кўра ана шу хусусийлаштирилган маиший хизмат уйлари беш йил давомида ўз вазифаларини бажаришлари, ҳатто хизмат вазифасини ҳам яхшилашлари керак эди. Амалда бундай бўлмади. Маиший хизмат уйлари «эгалари»га қўш қўллаб, арзонгина нархларда топширилгач, туманнинг бу соҳасидаги мутасадди раҳбари гўё елкасидан тоғ қулагандек енгил нафас олди ва уларни шу кундан эсдан чиқарди. Соҳиблар эса...

Марказий қўрғонда қарийб 5 минг аҳоли яшайдиган «Янги дала» ижара ширкатлари бирлашмаси маиший хизмат уйи В. Иброҳимовга сотилгунча унда бичувчи, тикувчи ҳам, этикдўз, сартарош, суратқаш ҳам эл хизматида эди. Уни Валижон хусусийлаштириб олгач, тадбиркорликнинг бошқача йўлини тутди. Бинони 5 нафар тижоратчи дўкондорга ижарага берди. Улар ойига 200-1000 сўмдан ижара ҳақи тўлашади. Бинони ҳеч ким таъмирлай, демади. Ҳозирга келиб эшик-деразалари синиқ, суваклари кўчган, ҳовлисида қуюн ўйнаётган бу корхонани таниб бўлмайди.

Бу ҳаммаси эмас

Қўшни «Тошкент» ижара ширкатлари бирлашмаси аҳолиси ҳам соч олдириш ёки пойабзал тузатиш учун 50 километр йўл босиб, Етисой ёки ундан ҳам узоқроқ Жиззах шаҳрига борадилар. Бирлашма марказидаги маиший хизмат уйи ташландиқ ҳолга келиб қолганига икки йил бўляпти. Яқинда бирлашмадаги 2 та болалар боғчаси ҳам ёпиб қўйилди.

Туманнинг «Боғбон», Абай номли, «Руссия», «Ўзбекистон» ва бошқа хўжаликларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Ҳатто, туман маркази — Гагарин шаҳридаги маиший хизмат уйи ҳам қаровсизликдан ҳувиллаб ётибди. Томидан чакка томавериб, икки қавати заҳлаб кетган. Ажабланарлиси шуки, туман маиший хизмат соҳасидаги мутасаддиларнинг ўзларида ташаббускорлик, ташкилотчилик йўқлиги устига, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида юртбошимизнинг айтган танқидий гапларидан сўнг ҳам бирор хулоса чиқаришмаяпти. Нега?!

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

23 январь куни республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда пахта ва ғалла етиштириш бўйича 1995 йил якунлари кўриб чиқилди, бу борада жойларда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилди.

Сарҳисоб ва сабоқлар

ДОННИ ЙИҚҚАН ДОНОДИР

Сир эмас, утган йилда ғаллачилик соҳасида бухороликлар ҳам кўп азият чекдилар. Сув танқислиги шароитида 55 минг гектар ердан 96,6 минг тонна ғалла олинди. Ҳосилдорлик 17,6 центнерни ташкил этди. Кўзланганича ҳосил олинганида унинг салмоғи 176 минг тоннага етарди. Хуш, вилоят ғаллакорлари ғалвирни сувдан кутарганларида қандай хулосага келдилар, бугунги таҳлил ва сабоқлар нималардан иборат?

Очиғини айтадиган бўлсак, Бухоро заминида ҳамма экин унади. Ердан икки-уч марта ҳосил олиш мумкин. Фақат қаттиқ, тинимсиз меҳнат эвазига дастурхонни ўзимизнинг бугдой нонга сероб этса бўлади. Бунинг ўзига хос томонлари бор. Айниқса, ҳосил салмоғи уруғчиликка боғлиқ. Аммо вилоятнинг аксарият майдонига лалмикор ерлар учун экиладиган уруғ сочилади. Бунинг устига ғалла экинлари учун унумсиз ерлар танланганини, майсаларни ундириб олиш муддати кечиккани, майдонлар вақтида суғорилмаганлиги хирмоннинг салмоғига таъсир этди.

— Ғаллачиликдаги муҳим омил экишни вақтида тугаллаш,— дейди Пешку туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бош ҳисилоти Тоҳир Одилов.— 1994 йилда бизда бу иш кўнгилдагидек бўлмади. Бунинг устига ғўза остига дон экиш ҳосилдорликни анча пасайтирди. Бизнинг шароитда ерни яхшилаб ҳайдаш керак, маҳаллий ўғитга тўйдириш лозим. Тескариси бўлгани учун 300 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинди.

Шофиркон туманида ҳам дондан жуда кам ҳосил олинди. 17,7 центнер. 5224 гектар ердан 17200 тонна ғалла ўриб йиғиб олиниши кўзланганди. Аммо бор-йўғи 9225 тонна дон эгаси бўлинди. Тумандаги Ф. Хўжаев номли, «Осиё», Комила Раҳмонова номли жамоа хўжаликларида ғалвир деярли сувдан қуруқ кутарилди. Сарфланган уруғликка эга бўлинди, холос. Бултурги сабоқлардан хулоса чиқарилди, экиш вақтида амалга оширилди.

— Уруғлик ўзимиздан чиққани учун ҳам кузги дон экишни вақтида тугалладик,— дейди туман деҳқончилик саноати уюшмаси бош ҳосилоти Уйғун Ғаффоров.— Эндиги вазифа экинларни пайҳон қилмаслик. Насиб этса, бу йил юзимиз ёруғ бўлади.

Ромитан тумани ғаллакорлари мавсум сабоқларидан тегишли хулоса чиқарганликлари учун кузда 6391 гектар ерга уруғ сочдилар.

— Бизнинг хатомиз-уруғликни тозаламай экканмиз. Шунинг учун вилоят даражасида — 17 центнер ҳосил етиштирилди, — дейди туман ҳокими Хайрулла Саъдиев.— Энди 4 та дон тозалагичдан уруғлик ўтказилди. 4 та уруғчилик хўжалиги ташкил этдик. Улар келгусида туманни «Интенсив», «Сангзор» каби уруғлик навлар билан тўлиқ таъминлайди.

Ҳар бир қарич ернинг эгаси бўлиши керак. Ер эгасини топсагина ҳосил мўл булади. Бухоро туманида шунга эришилгани учун ҳам дондан кўнгилдагидек ҳосил олинди. 5100 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил олинганининг сабаби пудрат усулининг жорий этилишидир. «Маданият», «Чорбакир», У. Юсупов номли, «Урта Осиё» жамоа хўжаликларининг пудратчилари ҳар гектар ердан 42-47 центнердан ҳосил олишди.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятда кузги дондан кам ҳосил олинишида сув хўжалиги ходимларининг ҳам «улуши» бўлди. Бултур 10 минг гектар майдондаги кўчат суғорилмасдан ундириб олинди. 11 минг гектар майдон умуман сув юзини кўрмади. Шу боис 143 хўжаликдан 34 таси дондан 15 центнердан кам ҳосил олди.

Ўтган йилнинг кузида бухоролик ғаллакорлар аччиқ сабоқлардан хулоса чиқариб, «Дон-96» дастури асосида экишни ташкил этдилар. Дон мўллигини таъминлаш мақсадида 52 минг гектар ер 5665 та оилага ажратиб берилди. Бу пудрат усули самараси нечоғлик фойдали эканлигини тасдиқлайди. 7069 гектар ер шартнома асосида бригадаларга берилди. Хуллас, вилоятда интилиш, изланиш давом этмоқда.

Куни кеча республика Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов ғалла бўйича давлат буюртмаси етиштирилган ҳосилнинг 50 фоизи қилиб белгиланиши, қолгани хўжаликлар тасарруфида бўлишини ҳамда давлат буюртмаси бўйича ғалланинг харид нархи дунё бозоридаги ўртача нархнинг 60-65 фоизи миқдорида белгиланишини қатъий таъкидладилар. Демак, деҳқонларимиз учун яна кенг имконият уфқлари очилянти. Мақсад эса битта — четдан келтирмасдан туриб ўзимизни-ўзимиз мўл-кўл дон маҳсулоти билан таъминлаш. Бухоролик ғаллакорлар ҳам шу хайрли мақсад йўлида ҳозирданоқ қишки-баҳорги юмушларни қизғин олиб бормоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТГА ЧОРЛАСИН!

«Мулоқот» журнали нашр этила бошлаганига беш йил тўлди. Бир йилдан ошдики, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши унга муассислик қилмоқда. Натижада, ушбу нашрнинг мавзулар доираси янада ранг-баранглик касб этди, муаллифлар сафи бирмунча кенгайди, иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ долзарб масалаларга дадил қўл урилмоқда, журналхонлар сафига кўплаб муштарийлар қўшилди.

Куни кеча журнал таҳрир ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов йиғилганларни мазкур қутлуғ сана муносабати билан муборакбод этди. У журнал жамоасининг, хусусан, юртбошимиз И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессиялари, 1995 йил 25 декабрда республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кенгашдаги нутқларида оммавий ахборот воситалари олдига қўйилган талаблардан келиб чиқадиган масъулиятли вазифаларга батафсил тўхталди.

Журнал бош муҳаррири Б. Бойқобилов, таҳрир ҳайъати аъзолари: академик Б. Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзолари — Ҳ. Раҳмонқулов, О. Ҳикматов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳ. Зиёев, филология фанлари доктори О. Усмонов, Тошкент Давлат маданият институти ректори А. Тўраев ҳамда «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Азим Суюн, таниқли адиб И. Ғафуровлар «Мулоқот»нинг қадимий маданий меросимизни тиклаш, мустақиллик маънавиятини шакллантириш, истиқлол ғоялари ва мамлакатимиз раҳбариятининг ислоҳотлар йўлини кенг оммалаштириш борасидаги ишларини таъкидлаб, унинг фаолиятини янада яхшилашга оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда «Мулоқот» жамоаси ходимларига мукофотлар топширилди. Журналнинг 1996 йил иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ИЛМ-ФАН ЯНГИЛИКЛАРИ

ОЛИМЛАР ДАЛА КЕЗГАНДА

ҚАРШИ (мухбиримиздан). Яккабоғ туманидаги Амир Темур номидаги ширкатлар уюшмасига республика Фанлар академияси микробиология институти олимлари амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Илмгоҳнинг ширкатдаги таянч бўлимида ўтган йили бир қанча тавсиялар амалда қўлланди. Аввал чигитни хлорелло билан экиш йўлга қўйилди. Бу усулда 17 кун уруғ кеч ташланганига қарамай, «яшил совут» кийган чигитлар бир текис униб чиқди. 600 гектар майдонда пахта ҳосилдорлиги 34 центнерга етди.

Бу бурноғи йилдагига қараганда 4 центнер кўпдир. «Бундай ҳамкорликни давом эттирамиз, — дейди туман «Агрохизмат» уюшмаси раиси С. Сафаров. — Чигитни янги усулда экиш талабгорлари кўпаймоқда. Олимлар эса айни пайтда чорва озуқаси тўйимлилигини оширишда ҳам ёрдам беришяпти.»

Юнус УЗОҚОВ.

БУҒДОЙНИНГ ЯНГИ НАВИ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Қадимий ва навқирон шаҳарда ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё тарихини ўрганувчи халқаро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлими фаолият кўрсатаётгани бежиз эмас. Фан ва илм марказларидан бирига айланган бу шаҳарда вилоят давлат дорилфунунидан ташқари бешта институт бор.

Ўтган йили самарқандлик олимлардан 15 нафари докторлик, 40 киши эса номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилишди. Илмий хулосалар, тадқиқотлар халқ хўжалигида жорий қилинмоқда. Агрофирма ва завод-фабрикалар билан ҳамкорликда бирлашмалар ташкил этилмоқда. «Бизнинг институтда ўнлаб тадқиқот натижасига кўра ихтирочилик гувоҳномалари берилди, —дейди қишлоқ хўжалик институти ректор муовини, профессор Суръат Юсупов. — Доннинг уч хил, картошканинг шунча ва нўхотнинг иккита янги нави давлат синовига топширилди. Қоракўл қўйларининг икки хил завод типлари яратилди. Доннинг «Темур» ва «Мароқанд» навлари синовдан ўтказилмоқда. «Темур» навини эса Фарғона вилоятида оммавий экишга рухсат этилди».

Фармон ТОШЕВ.

Мустақиллик асослари

ДЕМОКРАТИЯ — ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ДЕМАКДИР

Истиқлолнинг бешинчи йилига шаҳдам одим билан бораётган мамлакатимизда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий билимдон бўлиши бениҳоя муҳимдир. «Ўзбекистон овози» таҳририяти шуларни ҳисобга олиб «Мустақиллик асослари» рукнини очди. Ўйлаймизки, мазкур мавзунинг изчил ёритилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси олимлари фаол қатнашадилар.

1

Ўзбек халқининг азалий орзу-интилишларидан энг асосийси мустақил демократик адолатли давлат барпо этиш эди. Халқнинг бу орзу-армонлари унинг кўп асрлик маданий меросида яққол акс этган. Халқ тарихи мустақиллик учун кураш тарихидир. Мустақиллик учун кураш тарихи демократия учун кураш тарихи ҳамдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритган дастлабки кунларидан бошлабоқ халқнинг асрий орзу-армонларини амалга оширишга киришди. Адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуришни ўзининг энг бирламчи ва муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Бу борада ўтган дастлабки йиллар мобайнида маълум ютуқлар ва тажрибалар қўлга киритилди. Ҳозирги куннинг асосий вазифаларидан бири қарийб беш йил давомида тўпланган тажрибаларни чуқур таҳлил этиш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, ютуқларни мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштиришдан иборатдир.

Демократик жамият қуриш учун, аввало, демократиянинг моҳиятини равшан англамоқ муҳимдир. Зотан, демократиянинг ўзи нималигини тушунмасдан туриб, уни амалга оширишга интилиш ишни мураккаблаштиради. Одамларнинг орасида демократия тўғрисида турлича тасаввурлар бор. Уларнинг баъзилари мақсадга яқин келса, баъзилари моҳиятдан жуда узоқ. Демократик давлатнинг барча мамлакатлар учун ягона тайёр андозаси дунёда йўқ. Ёки демократик давлат қуришнинг тўғридан-тўғри татбиқ этиш мумкин бўлган намунали тажрибаси ҳам йўқ. Демократик ҳуқуқий давлатни ҳар бир мамлакат ўз йўли билан қуради. Бу борада мустақил равишда иш тутиб, биринчи навбатда, миллий давлатчилик асосларига таянади. Қолаверса, жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ўрганади. Демократик давлат қуришнинг дастлабки жараёнларини ўзича талқин этиб, «демократия ундоқ бўлади», «демократия бундоқ бўлади» дея пойинтар-сойинтар гап юритадиган, жайдари фалсафа тўқийдиган «донишманд»лар кўзга ташланиб қолади баъзида. Улар энг ривожланган мамлакатларнинг тарихий тажрибаси билан бир неча йиллик уринишнинг ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини билишармикин? Мана шундай кўп асрлик тажрибалар билан таққослаганда, биздаги бошланғич натижалар улкан аҳамият касб этади (Давлат арбобларидан бирининг эътироф этишича, Буюк Британия демократик давлат қуришда бир неча юз йиллик тажрибага эга. Шундай мислсиз тараққиёт қозонган давлатда ҳам демократия хусусидаги муаммолар қўзғалиб тураркан. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бизнинг демократияни тушуниш ва жамиятимизга татбиқ этишдаги натижаларимиздан қониқиш ҳосил қилишимиз мумкин).

Оламшумул тажрибаларга нисбатан олганда, жамоатчилигимизнинг ҳозирги даражасини демократияни ҳис қилиш, демократияни тушуниш, демократияни идрок этиш, демократияни ўрганиш, ҳаётга татбиқ этишга интилиш босқичи дея белгилаш мумкин. Хўш, демократиянинг ўзи нима? Уни амалга оширишнинг қандай усуллари ва белгилари мавжуд? Уларнинг жамиятимизга татбиқи қандай кечаётир? «Демократия» лотинча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси «халқ ҳокимияти» демакдир. Америка Қўшма Штатларининг собиқ Президенти Аврам Линкольн таъкидлаганидек, демократия халқ орқали, халқ учун ўрнатилган халқ ҳокимиятидир. Демократиянинг бундай моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Халқ ҳокимиятчилиги» боби, 7- моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» — дея мустаҳкамлаб қўйилган. Халқ ҳокимиятчилигига бағишланган ушбу модда мазмуни республикамизда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлигидан далолат беради.

Жаҳон жамияттшунослиги кашф этган қонуниятларга кўра, халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни икки усулда амалга оширади.

1. ***Бевосита демократия.*** Бунда халқнинг ҳеч қандай вакилларсиз, ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи амалга ошириши тушунилади. Ушбу усулдаги демократиянинг ҳуқуқий асоси Конституциянинг 9-моддасида мустаҳкамланган: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади». Асосий қонун ушбу моддасининг ҳаётий ижроси қуйидаги шаклларда намоён бўлмоқда. Давлат қабул қилаётган қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасидан ўтказилмоқда. Сайловчилар сайловларда бевосита ўзи иштирок этади. Республика Президенти вакиллик органларининг энг қуйидан энг юқоригача бўлган босқичлари депутатларини сайловчиларнинг ўзлари бевосита сайлайдилар. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла қўмиталари фаолиятини ҳам бевосита демократиянинг яққол мисоли сифатида кўрсатиш мумкин.

2. Демократияни амалга оширишнинг иккинчи усули ***вакиллик демократиясидир.*** Бунда халқ ўз ҳокимиятини билвосита амалга оширади. Яъни халқ ўз қўлида тўплаган ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали — Олий Мажлис, маҳаллий кенгаши депутатлари воситасида амалга оширади. Мазкур депутатлар

2

ўз ваколатларини сайловчилардан оладилар ва ўз фаолиятларида халқ манфаатларини ифода этади. Ўзбекистонда давлат ва ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлмиш республика Президенти ҳам бевосита сайловчилар томонидан сайланади. Мамлакатимиздаги бошқа давлат органлари, жумладан, ҳукумат, суд органлари, вазирлар ва бошқалар халқ томонидан сайланган республика Президенти ёки Олий Мажлис томонидан тайинланиши ёки сайланиши тартибини инобатга олсак, ўзбек халқи барча давлат органлари ва мансабдор шахсларни сайлаш-тайинлашда бевосита ёки билвосита иштирок этади. Ҳозирги замон хорижий мамлакатларининг ҳуқуқшунослари, давлат ва жамият арбоблари фикрларига кўра демократик ҳуқуқий давлатни қуриш учун барча мамлакатларга хос бўлган умумий хусусиятлар мавжуддир. Улар қуйидагилардир: 1. Сайловлар. 2. Сайлов якунларини аниқлаш усули. 3. Тенг ҳуқуқлилик. 4. Фикрлар эркинлиги. 5. Кўппартиявийлик. 6. Ўзини-ўзи бошқариш*. Бизнинг республикамизда юқорида кўрсатилган демократик давлатларга хос бўлган асосий белгилар қонунда ҳам, амалда ҳам мавжуддир.

1. ***Сайловлар.*** Биздаги демократиянинг энг ёрқин нишоналаридан бири шуки, Ўзбекистон Республикаси Президенти муқобил асосда бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилган. Шунингдек, бевосита сайловчилар томонидан сайлаб қўйилган ҳукумат идораларига халқ давлат органлари жумласига Олий Мажлис, вилоят Кенгашлари ҳам киради. Сайловлар тўғрисида гап кетганида, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, давлат бошлиғи бўлмиш республика Президентини сайлашда бевосита сайловчиларнинг ўзи иштирок этиши жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Энг демократик усул бўлганлиги учун ҳам, кўпчилик хорижий мамлакатларда республика Президентини сайловчилар — халқ томонидан сайлаб қўйиш қоидаси ўрнатилган. Лекин шуни ҳам инобатга олиш керакки, парламентар республика шаклидаги демократик давлатларда республика Президенти парламент депутатлари томонидан, сайловчиларнинг махсус коллегияси томонидан сайланади. Бу ҳолни, яъни Президент парламент депутатлари ёки сайловчиларнинг махсус коллегияси томонидан сайланишини демократиянинг бузилиши сифатида баҳолаш нотўғри бўларди. Ушбу сайлов жараёнида ҳам халқ ҳокимияти мавжуд. Унда халқ оммаси ўз ҳуқуқини ўзгача шаклда амалга оширади. Яъни, сайловчилар ўзлари сайлаб қўйган вакиллар орқали республика Президентини сайлашда иштирок этадилар. Аммо республика Президентини сайлашда сайловчиларнинг бевосита иштирок этиши демократиянинг прогрессивроқ ҳолати деб тушунилади. Чунки бунда сайловчилар ўз фикрларини аниқ-равшан билдириш имкониятига эгадирлар.

2. Сайловларни ўтказиш билан бирга унинг якунларини аниқлаш усули ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Сайлов якунларини аниқлашни жаҳонда энг демократик усул деб ***Мажоритат усул*** тушунилади. Мажоритат тамойил деганда сайловнинг шундай усули тушуниладики, сайлов натижасида 50 фоиздан + 1 овоз олган номзод сайланган ҳисобланади. Бунда ҳам халқ ҳокимияти, яъни кўпчилик сайловчилар хоҳиши амалга ошади. Агар номзодлардан ҳеч қайсиси бундай овозни ололмаса, иккинчи тур сайлови ўтказилади. Иккинчи турда сайлов округида иштирок этган номзодлар орасидан бошқаларига нисбатан кўпроқ овоз олган иккитаси қайтадан сайловга қўйилади. Улар орасидан нисбатан кўп овоз олган номзод ютиб чиқади. Бизнинг қонунларимизда ҳам демократиянинг бу тамойили асосий хусусиятлардан бири сифатида мустаҳкамлаб қўйилганлиги мамлакатимизда демократик жамият қуриш учун муҳим омиллардан бири бўлади, деб айта оламиз.

3. ***Тенгҳуқуқлилик тамойили.*** Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг тенгҳуқуқлилиги тамойили 18-моддада қуйидагича мустаҳкамлаб қўйилган: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар». Тенгҳуқуқлилик кафолатини бундан ҳам ортиқ даражада ифодалаш ва таъминлаш қийиндир. Сайловларимизда ҳар бир сайловчининг бир овозга эга бўлиши, сайловда тенг асосда иштирок этиши тенгҳуқуқлилик тамойилининг ижтимоий адолат амалиётидаги яққол далилидир. Тенгҳуқуқлиликка республикамиз Президенти И. Каримов ишлаб чиққан тамойиллардан бири қонун устуворлиги тамойилида ҳам алоҳида эътибор берилган.

4. ***Фикрлар эркинлиги.*** Мустақил Ўзбекистонда тафаккур эркинлигига кенг имконият яратилган. Республика Конституцияси «Халқ ҳокимиятчилиги» боби, 12-моддада: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»лиги қатъий белгилаб қўйилган. Асосий қонун «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» боби, 29-моддада кафолатланишича:

*Государственное и административное устройство Германии. Баварское школа управления. Орган публичного права. Мюнхен. 1994. Серия Р. том 1, стр — 23

«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга». Ушбу имкониятлар фикрлар хилма-хиллиги, турли сиёсий партияларнинг вужудга келиши, мансабдор шахслар, давлат органларининг камчиликлари ошкора танқид қилиниши мумкинлиги шароитини яратади. Ушбу тамойил фаол жамоатчиликда мустақил фикр ривожини, тафаккур озодлигини вужудга келтирмоқда. Бу демократик тамойил давлат ва жамиятимизнинг ақлий тараққиётини, ижодий равнақини таъминлаши шубҳасиз. Лекин фикр эркинлигини бирёқлама тушунадиган, суиистеъмол қиладиган фуқаролар ҳам учрайдики, бу уларда ҳуқуқий онг ва сиёсий савод етук эмаслигидан далолат беради. Жамият маънавий муҳитини мусаффо сақлаш, унда суиистеъмолчиликларга йўл қўймаслик мақсади фикр эркинлигига ҳам муайян меъёр ва ҳуқуқий чегара қўйишни тақозо этади.

Ушбу ижтимоий зарурият Конституцияда бундай ифодаланган: «Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин». Бу ҳам демократиянинг умумий қонуниятларидан бири эканлигини шу далил билан тасдиқлаш мумкинки, хорижий мамлакатлар конституция ва қонунларида ҳам фикр эркинлиги маълум қонун доирасида чегаралаб қўйилган. Хорижий мамлакатлар конституцияларида ўрнатилган конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни, ижтимоий, миллий, диний адоватни тарғиб этувчи, бошқа фуқароларнинг конституциявий эркинликларига қарши чиқувчи фикрларни тақиқловчи меъёрлар мустаҳкамланган. Масалан, шу жиҳатдан, Олмония Конституциясининг 9-моддасига Ўзбекистон Конституциясининг 57-моддаси мувофиқдир. Унда «конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўйувчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи» фикрий ҳаракатлар тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-бобида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши ҳам мамлакатимизда демократия талабларига риоя этилаётганлигининг яна бир далилидир.

5. ***Кўппартиявийлик***. Демократиянинг асосий хусусиятларидан бири кўппартиявийликдир. Республикамизда ҳозирги шароитда бир неча сиёсий партиялар, Халқ бирлиги ҳаракати фаолият кўрсатмоқда. Бу кўппартиявийлик тизимининг дастлабки тажриба ва ютуқларидир. Баъзи фуқаролар давлат ва жамиятнинг ривожини шу мамлакатда мавжуд партияларнинг сони билан белгилашга ҳаракат қилишади. Бу, албатта, нотўғри қараш. Кўппартиявийлик тизимининг муваффақияти жамиятда мавжуд партиялар сони билан аниқланмасдан, балки сиёсий ҳокимиятни амалга оширишда партияларнинг иштироки билан белгиланади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида, Буюк Британияда икки партиявийлик тизими ўрнатилган. Америка Қўшма Штатларида хоҳ конгрессда, хоҳ Президент сайловларида бўлсин, ё демократлар партияси ёки республикачилар партияси ютиб чиқади. Партиялардан бири ҳукмрон бўлганида, иккинчиси оппозицияда бўлади. Кейинги сайловларда бунинг акси бўлиши мумкин. Лекин сайлов натижасида учинчи бошқа партия ютиб чиқиши мумкин эмас. Худди шу ҳолатни Буюк Британиядаги лейбористлар ва консерваторлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияни иккипартияли тизимидаги давлат деб атаймиз. Лекин жаҳонда ҳеч ким уларни демократик давлат эмас, деган фикрга бормайди. Демак, партиялар-нинг сони мамлакатда демократия қандай даражада мустаҳкам ўрнатилганлигининг меъёри ҳисобланмайди.

6. ***Ўзини ўзи бошқариш.*** Фуқаролик жамиятини барпо этиш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг тамойилларидан биридир. Шунинг учун республикамиз маҳаллий ҳокимияти органлари таркибига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари киритилган ва бу Конституциянинг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Мана, бир неча йилдан бери «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун амал қилиб келмоқда. Ушбу органлар маҳалла қўмиталарида халқ оммасини жипслаштириб фаолият кўрсатмоқда. Қонунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг раисларига катта ваколатлар берилган. Фуқароларнинг моддий ёрдам таъминоти, маданий-маънавий турмуш муаммолари мана шу органлар томонидан бошқарилмоқда. Ўзини-ўзи бошқариш республикамизда ўрнатилган усулини демократиянинг мукаммал шакли эканлигини хорижий мамлакат мутахассислари иқрор этмоқдалар.

Биз юқорида демократик жамият қуришнинг дунё тан олган энг асосий, умумий белгилари билан танишиб чиқдик. Лекин шу юқорида кўрсатилган асосий, умумий белгилар билан бир қаторда, ҳар бир давлат ва жамиятгагина хос бўлган хусусиятлар ҳам мавжуддир. Дунёда бир бирига айнан ўхшайдиган, бир хил демократик давлат йўқ. Баъзи сиёсатшунослар дунё-қарашидаги Шарқ ва Ғарб демократияси ўртасида фарқ йўқ, демократия ҳамма ерда бирдай бўлиши керак қабилидаги тушунчалар назарий ва амалий жиҳатдан нотўғри. Ҳаттоки, Ғарб ва Шарқ демократиясини четга қўйиб туриб, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Олмония ва бошқа давлатлар демократияларини таққослаганимизда, ҳар бирининг ўзига хос белгиларини кўришимиз мумкин. Ҳар бир давлат демократиясининг ўз хусусиятлари, белгилари, асослари, тамойиллари бўлиши шарт.

Бошқа бир мамлакатда ўрнатилган демократияни айнан ва тўла-тўкис қабул қилиш фақат салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси демократик давлат ва жамият қуришнинг ўзига хос, ўзига мос йўлини танлади. Ёш мустақил давлатларда демократик жамият қуриш учун қуйидаги асослар бўлиши мажбурийдир.

1. Демократик жамият қуриш учун ***иқтисодий асос*** бўлиши шарт. Яъни, давлат ва жамият иқтисодий асосга эга бўлмай туриб, демократик жамият қура олмайди. Собиқ Иттифоқ таркибидаги кўпгина давлатлар мустақилликка эришган дастлабки вақтларида сиёсий ислоҳотга берилиб кетиб, унинг иқтисодий заминига эътибор бермай, ўз халқларини оғир аҳволга солиб қўйдиларки, ҳозиргача бу вазиятдан чиқиб кетолмаяптилар. Оч-яланғоч халққа, фуқарога сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлаб қўйиш билангина демократик жамият қуриб бўлмаслигига баъзи мамлакатларнинг ҳозирги вазияти яққол далилдир. Масалан, мамлакатдаги иқтисодий шароитнинг сиёсий ислоҳотлар талабига мувофиқ келмаслиги Россия парламентининг ўққа тутилишига сабаб бўлди. Иқтисодий база яратилмай туриб, сиёсий ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилди. Натижада, одамлар охирги сайловда коммунистларга кўп овоз бердилар.

2. ***Миллий давлатчилик асослари,*** миллий маданият, тарихий қадриятлар ҳар бир мамлакат демократиясига замин бўлиши керак. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига назар солсак, Буюк Британияда монархия бошқаруш тизими сақлаб қолинган, ҳозирги замонда Қиролича давлат раҳбари эканлиги, лордлар палатасининг миллий давлатчилик анъаналаридан мерос тарзида сақлаб қолинганлиги, ягона системалаштирилган конституциянинг йўқлиги ҳам шу асоснинг белгисидир. Америка Қўшма Штатларида атиги олти моддадан иборат бўлган 1787 йилда қабул қилинган Конституциянинг миллий давлатчилик асосларига садоқат рамзи сифатида сақлаб қолиб, унга 26 қўшимча ва ўзгаришлар киритган ҳолатда ҳаётда амалга оширилаётганлигини ёки демократик давлатлар учун хос бўлган махсус конституцион назорат органининг йўқлигини, давлат бошқарувини Президентлик Республикаси шаклидаги давлатлар ичида фақат АҚШ Президентини бевосита сайловчилар томонидан сайланиб қўйилмасдан, балки сайловчиларнинг махсус коллегияси орқали сайланиши, партиявий системаси ва бошқа хусусиятлари билан АҚШ демократияси бошқа мамлакатларнинг демократиясидан фарқ қилади. Японияда халқнинг ўз императорига кучли садоқати, император ҳокимиятни дахлсиз ва муқаддас деб эълон қилганлиги, умуман давлат ва жамият қурилишида японларга хос бўлган миллий хусусиятларнинг ҳисобга олинганлиги ҳаммага маълумдир. Ҳар бир мамлакат миллий давлатчилик анъаналарини сақлаб қололмаса, у чинакамига ўзига хос демократик давлат бўлолмайди. Миллий давлатчилик асосларимизни чуқур ва мукаммал тадқиқ этиш учун зарур анъаналарни ҳаётга жорий этиш ҳам бизнинг долзарб вазифамиздир.

3. Демократик давлат қуришнинг энг муҳим асосларидан бири ***ҳуқуқий тарбиядир***. Янги демократик давлат қуриш учун фуқароларни, аввало, демократияга ўргатиш керак. Америка Қўшма Штатлари ёки Европада халқ юз йиллар давомида демократияга ўргатиб келинган. У мамлакатлардаги фуқароларда демократик тушунча юқори даражада шакллантирилгани эвазига, масалан, ривожланган Европа мамлакатларида ёки АҚШда сайлов ўтганидан кейин навбатдаги сайловгача сайланган Президент ёки парламентни муддатидан илгари ваколатидан соқит қилиш масаласи кўтарилмайди. Соғлом ҳуқуқий онг пайдо бўлган ерда жамиятдаги бошбодоқлик, ўзбошимчалик, порокандалик, маҳаллийчилик, манфаатпарастлик каби ёвуз иллатлар барҳам топади. Фикримизнинг далили сифатида қўшни Тожикистон Республикасидаги фожиали воқеалар, Россиядаги турли ҳокимият органлари ўртасидаги келишмовчиликлар, Чеченистон, Грузиядаги Абхазия билан боғлиқ қонли тўқнашувларни, МДҲ мамлакатларидаги уюшган жиноятчиликнинг авж олиб кетиши ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Демак, фуқароларда юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш, бунинг учун ҳуқуқий тарбияни яхши йўлга қўйиш бирламчи вазифаларимиздандир.

Қиссадан ҳисса шуки, демократик давлат қуришдан мақсад халқ ҳокимиятчилигига равнақ бағишлашдир. Давлат ва жамиятнинг порлоқ келажагини таъминловчи ушбу равнақ юқорида таҳлил этилган демократиянинг асосий тамойиллари, хусусиятлари, белгилари, шартлари, усуллари, қонуниятларининг ҳаётга татбиқ этилишига чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикамизда демократик адолатли ҳуқуқий давлат қуришда улуғ соҳибқирон Амир Темур таъкидлаганларидек, «миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ», «миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ» вазифамиздир.

А. АЗИЗХЎЖАЕВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

3

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг XV пленуми олдидан

ТАНБАЛЛИК ЭМАС, ДАНГАЛЛИК ЛОЗИМ

Зарафшон шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Бахтиёр ЭРНАЗАРОВ билан суҳбат

— Сиз саркотиб сифатида фаолият кўрсатаётган шаҳар кенгаши нафақат Навоий вилоятида, балки республикамизда ўзига хос обрў ва нуфузга эга. Хўш, бунга қандай эришилаяпти? Муваффақиятлар мезони нимада?

— Мақтовга лойиқ, таҳсинбоп ишлар қилдик, деёлмайман, йўқ. Биринчи котиб сифатида иш бошлаганимга тўрт йил бўлди. Бу даврдаги фаолиятимиз асосан сафлар сифати ва софлигига йўналтирилди. Чунки мансаб, лавозим истаб ХДПга кирганлар ҳаял ўтмай ундан ажралиб қолишди. Уларга дастлаб монелик қилмадик. Уларнинг виждонига қўйиб бердик.

Айни пайтда кенгашимизга 537 нафар аъзо уюшган бўлса, улар 30 та бошланғич партия ташкилотида фаолият кўрсатяпти. Ўтган йил давомида биз ҳалол, ишлаб чиқаришда ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган 73 нафар ёшни партиямизга аъзо қилиб олдик. Янги йилнинг дастлабки ойлариданоқ бизга хайрихоҳ бўлган яна ўнлаб ёшлар ХДПга киришга ариза беришди. Хуллас, сафлар жипслиги ва софлиги таъминланди.

— Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилотида иқтисодий ўнгланишларга қандай эришилянти?

— Аъзолар ўртасида интизом, тартиб бўлмаса, биз ҳар ойига 24-25 минг сўм атрофида бадаллар тушишига эришолмаймиз. Айни пайтда, кенгашимиз ҳисобида 300 минг сўмдан зиёд маблағ бор. Буни фақат бадаллар ҳисобидан, деб тушунмаслик керак. Биз кичик ва қўшма корхоналар очаяпмиз, мавжудларига эса ҳомийлик қилмоқдамиз. Оқибатда иқтисодимиз шаклланмоқда. Молиявий барқарорлик туфайли олтинтопарлар шаҳрида қатор хайрли ишлар қилинмоқда. Кексаларга, меҳнат ва уруш фахрийларига меҳр-мурувват, хайр-эҳсон кўрсатишдан ташқари, маҳаллаларда ободончилик ишларини амалга оширяпмиз. Шаҳарда спортни, жумладан футболни ривожлантириш учун асосий ҳомийлардан саналамиз. Зарафшоннинг «Прогресс» футбол командаси деярли бизнинг тасарруфимизда. Шунингдек, шаҳардаги «Полвон» спорт саройида турли мусобақалар уюштираяпмиз. Яқинда бу саройда самбо, каратэ-до ва шарқона кураш турлари бўйича халқаро мусобақалар ўтказилди. Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлашга биз камарбаста бўлдик.



Иқтисодий жиҳатдан юксалишимиз нафақат спорт ёки футболни ривожлантириш, балки шаҳарликларга маънавият, маърифат улашишда ҳам ижобий самаралар бермоқда. Ўз ҳисобимиздан «Ўзбекистон овози»га 140 та, «Голос Узбекистана»га 400 та ва «Мулоқот» журналига 50 та обуна уюштирдик. Йил давомида фахрийларимиз, кончи ва саноатчиларимиз бепул газета-журнал мутолаа қилишади.

— Бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловлар, мазкур анжуманларда кўтарилган фикр-мулоҳазалар хусусида ҳам тўхталсангиз?

— Юқорида мен кенгашимизга 30 та бошланғич партия ташкилоти уюшган, дедим. Улардаги ҳисобот-сайловларни биз ноябрь-декабрь ойларида юксак савияда, ўз-ўзини танқид руҳида ўтказдик. Айниқса, Зарафшон қурилиш бошқармаси, шаҳар уйжой ва коммунал хизмат бошқармаси, 2-тоғ металлургия заводи, шаҳар йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарида ўтган ҳисобот-сайловлар диққатга моликдир. Шунингдек, Александр Образцов, Шамсутдин Зайниев, Виктор Ивкин, Умрия Жўраева котиб бўлган марказий кон бошқармаси ва «Мурунтов» кон ҳавзаси, 49-автобаза, ташаббускорлар кичик туманида бўлиб ўтган ҳисобот йиғинларда ҳам газлаштириш, шаҳарликларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш масалалари илгари сурилди.

Бир сўз билан айтганда, бу анжуманларда ўтган тўрт йилдаги ишимизга, амалий фаолиятимиздаги ютуқ ва камчиликларга холисона баҳо берилди. Ҳисобот-сайловлардан шундай хулосага келдимки, бундай мезоний ҳисоботларни ҳар тўрт йилда эмас, тез-тез ўтказиб турмоқ мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда яна бир нарсани қайд этмоқчиман. Айрим шаҳар ва туманлар биринчи котиблари ҳокимлик тизими билан, жумладан ҳокимлар билан амалий ҳамкорликда эмас. Бу эса ишда узилишларни, ўзибўларчиликларни юзага келтиряпти. Натижада, дангаллик ўрнига танбаллик, бир ерда депсиниш ҳолатлари вужудга келмоқда. Бундай салбий кўринишларни эса юртбошимиз И. А. Каримов Олий Мажлис тўртинчи сессиясида кескин танқид қилди. Бундан тегишли хулоса чиқариб олишимиз лозим.

Суҳбатдош:
Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

4

Жиззах шаҳридаги устки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Зилола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида спорт кийимлари, шарф, жемпер сингари 110 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун ниҳоятда зарур бўлган акрил кимёвий ипларнинг йўқлиги сабабли корхона ярим қувватда ишлаётганди. Эндиликда акрил ипларини фабриканинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, кичик фабрика ишга туширилди.

СУРАТЛАРДА: ип йигирувчи Ш. Эшбекова (чапда). Пастдаги суратда эса ишчи З. Эшхўжаева, ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Н. Бозоров, ип йигирувчи Ф. Шодиева ва уста ёрдамчиси С. Ўроловлар калава сифатини кўздан кечиришмоқда.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

Муштарий:

миннатдорчилик билдиради...

ЖОНГА — ЖОН ШИФОКОРЛАР

Узоқ йиллардан бери ошқозон -ичак касаллигидан азоб чекиб келаман. Мен, Жиззах шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли 1- поликлиникада (даволовчи шифокорлар Файзи Маматқулова, Ўғилой Комилова ва бошқалар) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Семашко номидаги илмий-текшириш институтининг 2-шифохонасида («Тошминералсув») даволанишим даврида дардимга шифо топмоқдаман. Бунга, биринчидан, ер остидан чиққан сув таркибидаги маъданларнинг инсон саломатлигига фойдали томони бўлса, иккинчидан, сиҳаттоҳнинг бош шифокори Козимбек Қаҳҳорбеков, қабул бўлими бошлиғи Валентина Чапленская, бўлим бошлиғи Абдуазим Турсуновнинг меҳрибон ва билимдон даволовчи шифокорим Маҳмуда Одиловानинг, шифокорлардан Хадича Юсупова, Абдулазиз Абдураҳимов, катта ҳамшира Рихси Шерматова, ҳамширалардан Зуҳра Боботоева, Зулфия Кузжонова, Сурайё Тойшоева, Муҳаббат Ирисбоева ва бошқаларнинг ширинсуҳанлиги ва ўз ишини пухта билганлигидир.

Мен юқорида номлари қайд этилган шифокорларга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Истакларим, келажакда соғломлаштириш масканида хўжалик, овқатланиш, маданий-маиший ишлари яхшиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Қ. ҚУРБОНОВ,
Жиззах шаҳри.

...таклиф этади

ЮЗГА ЎН УЧ. КИМНИНГ ФОЙДАСИГА?

Янгиер-кўрик Сирдарё воҳасининг саноат марказларидан ҳисобланади. Ислоҳотлар шарофати билан бу ерда ҳам тадбиркорлик ҳаракати кенгайди. Шаҳримизда ҳозир 113 та кичик корхона бор. Бир қарашда ибратли мисолга ўхшайди. Лекин масалага синчковлик билан ёндашсангиз, бу рақамдан хурсанд бўлишингизни ҳам билмайсиз. Чунки 113 кичик корхонанинг бор йўғи 13 таси маҳсулот ишлаб чиқаради, холос. Қолганлари эса олиб сотар, яъни воситачи кичик корхоналардир. Шу ўринда тадбиркорларга бир савол бергинг келади: хўш, ҳурматли жаноблар, айтингларчи, бундай ҳисоблар қачон ишлаб чиқарувчилар фойдасига ўзгарар экан?

Б. ЗАЖИЦКИЙ,
Янгиер уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси.

Қизнинг бармоқлари нозикми,
Чанқовузнинг куйи нозикми,
Ҳар бири бир ошиқ юраги
Зумрад шокилалар нозикми?

Суратни Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган.

Беш қўл баравар эмас

ХИЗМАТГА ТУҲМАТМИ?

Тошкентдан йўл олган машина турна қатор мирзатеракларни ортда қолдириб, елиб борарди. Машинанинг барча ўриндиқлари йўловчилар билан банд. Улар бир-бирлари билан ўзаро гурунглашиб, чақчақлашиб боришарди. Фақат менинг ёнимдаги ҳамроҳим қовоқ уйганича жим келди. Ниҳоят, сукунат жонига тегди, шекилли, аста менга ўгирилиб, саволлар бера бошлади.

— Қаерликсиз, биродари азиз?

— Марғилонликман.

— Ўша ерда туғилганмисиз?

— Ҳа, нимайди?

— Ҳа, Марғилон яхши жой, — деди ҳамроҳим чуқур уҳ тортди-да, сўзини давом эттирди, — одамлари ундан ҳам яхши. Бундан икки йил муқаддам оила аъзоларим билан Шоҳимардонга дам олгани келгандик. Кутилмаганда ҳамёнимдаги бор пулимни тушириб қўйибман. Шу палла бир марғилонлик йигит билан танишиб қолдим. Унга бўлган воқеани рўй-рост гапирдим. У менинг кимлигимни, ҳаттоки адресимни ҳам сўраб-суриштирмасдан ҳафтага етадиган пул берди. Ҳафта охирида ўзининг шахсий машинасида бизни Марғилонга олиб кетиб, икки кун меҳмон қилди ва учинчи куни Андижонга кузатиб қўйди. Шу-шу бизлар ажралмас ака-ука бўлиб қолганмиз. Инсоннинг яхшилигини ҳеч қачон унутмайсан экан. Илойим, мана шунақанги одамлар бор бўлишсин...

Биз бир йўловчининг ҳикоясини баён этдик, холос. Чиндан ҳам Марғилон ва марғилонликларга кимлар ҳавас қилмайди дейсиз?! Асл меҳмондўст, инсон учун жонини ҳам қурбон қилишга шай одамлари бор. Қарияларимизнинг: «Меҳмон отангдан улуғ» деган нақлга чинакам амал қиладиганлар ҳам шу ерда. Мана шу ўринда бир мисол келтириб ўтсак.

1995 йилнинг 19 январь куни эди. Шаҳардаги «Марғилон» меҳмонхонаси олдида бир гуруҳ эркак ва аёллар туришибди. Уларнинг навбатчи билан бўлаётган муаммоларию, ўзаро муносабатларидан нимадир ҳал бўлмаётганлигини сезиш мумкин эди. Шу палла ичкарига меҳмонхона директори Собиржон Қамбаров кириб келди.

— Ўртоқ директор, — дея мурожаат қилди навбатчи, — мана бу меҳмонлар Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Дангалов номли жамоа хўжалигининг аъзолари экан.

Тўрт кун давомида бизнинг меҳмонимиз бўлишлари керак экан. Жамоа хўжалиги томонидан 30 киши учун 3600 сўм меҳмонхонамиз ҳисобига ўтказишибди.

— Бу ҳақда ҳужжат борми?

— Ҳужжатимиз бор, — деди меҳмонлардан бирови ва ҳужжатни директорга узатди.

Чиндан ҳам 1995 йил 3 январь кунида меҳмонхона ҳисобига ана шу пул ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат. Директор шу заҳоти уларни қабул қилиш ҳақида буйруқ берди.

Мана, роса бир йил ўтдики, ҳамон пулдан ном-нишон йўқ. Меҳмонхона директори бу ҳақда Пастдарғом туман прокурорига ҳам мактуб йўллади. Ҳеч қанақанги жавоб бўлмади.

Биз ушбу аччиқ-аччиқ фикрларимизни 3600 сўм пул учун эмас, балки мана шундай дориломон паллада кўзбўямачилик қилиб, «Марғилон» меҳмонхонаси раҳбарларига қалбаки ҳужжатни қўндириб кетган Пастдарғом туманидаги Дангалов номли жамоа хўжалиги раҳбарлари учун битдик, холос. Хизматга туҳмат дея шунга айтсалар керакда, а?...

Мутал ҚОДИРОВ,
Фарғона вилояти телерадио компанияси «ҚОПҚОН» сатирик радиожурналининг катта муҳаррири.

...мулоҳаза юритади

ОМОЧ ТИШЛАРИ КЕРАК

Болалик ва ўсмирлиги 50-йилларга тўғри келган қишлоқ кишилари ўша пайтларда қўш ҳўкиз ё йилқига омоч деган ускуна тиркалиб, ер шудгорланганини яхши эсласалар керак. Кейинчалик қишлоқ хўжалигига қўплаб трактор ва плуглар кириб келиши билан бу усулда деҳқончилик қилишга барҳам берилган.

Юртбошимиз ғамхўрлиги шарофати билан бугунги кунда қишлоқда яшовчи ҳар бир оила етарли томорқа ва ер участкасига эга. Уларнинг ер ағдариш қуроли кетмон ва белкуракларидир. Бу асбоблар иш унуми паст ва анчагина жисмоний куч талаб этади. 50-йилардагидай қўш ҳайдаш учун омоч-бўйинтуриқлар ҳам, омоч учун металл «тиш»лар ҳам йўқ.

Ҳозирги шароитда бу иш қуроллари ҳар бир оилагагина эмас, кичикроқ ер эгалари бўлган фермер-деҳқонларга ҳам жуда зарур бўлмоқда.

Қишлоқ эҳтиёжини ҳисобга олиб, юртимиздаги бирор корхона омоч тишлари ёки митти плуглар ишлаб чиқарсалар айни муддао бўларди. Бунинг учун республикамизда барча имкониятлар етарли, деб ўйлайман. Бу корхона учун ҳам мўмайгина даромад бўларди. Омочларни эса ўзимиз ясаб олаверамиз.

Ўтагул БОЙЖОНОВА.
Зафаробод туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси фермери.

... танқид қилади

ЙЎҚОЛГАН АВТОБУС

Пайариқ туман маркази билан Қудуқча қишлоғи оралиғидаги масофа 45 километр. Уч йилдан бери автобус узлуксиз қатнаб турган эди. Негадир 5 ой бўлдики, автобус кўринмай қолди. Бу ҳақда биз 24-автокорхона директори Ўктам Маматовга 6 марта ариза ёздик. 2 марта Маматов шахсан қишлоғимизга келиб, қимматли вақтларини бериб қишлоқ аҳолисига «автобус қатнайди», деб ваъда бериб кетди. Ваъдалари ёлғон экан, ҳамон автобусдан дарак йўқ. Бу ҳақда республика радиосининг «Қармоқ» сатирик эшиттиришида ҳам Ўктам Маматов шаънига танқидий фикрлар айтилди. Лекин, натижа йўқ. Ҳурматли таҳририят! Ушбу хатимизни газетада боссангизлар, зора рабҳарга инсоф келиб, Қудуқча қишлоқ аҳолисига, йўқолган автобусни топишда ёрдам қилар деган мақсадда, умид билан ёздик.

Кудуқча қишлоқ аҳолиси номидан:
Тангир ХУДОЙҚУЛОВ,
Абдирофи ҲАҚҚУЛОВ,
36-ўрта мактаб ўқитувчилари.

ДУНЁ Воқеалари

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

КАМБОДЖА миллий армиясининг 20 минг нафар аскари «Қизил кхмерлар» қароргоҳига ҳужум бошлади. Пномпендан хабар берилишича, ҳукумат қўшинларига 50 тага яқин зирҳли техника ва артиллерия мадад бермоқда. Шунингдек, ҳукумат қўшинлари «Қизил кхмерлар»нинг мамлакат шимолида жойлашган «Миллий бирлик ва қутқарув вақтли ҳукумати» қароргоҳига ҳам ҳужум уюштирган. Ҳукумат қўшинлари ўтган йили ҳам исёнчиларга қарши кенг кўламда ҳужумлар уюштирган ва ҳеч қандай ҳарбий муваффақиятга эриша олмаган эди.

***

ИСРОИЛ ташқи ишлар вазири Эхуд Барак ўз мамлакатининг Сурия билан тинчлик ўрнатишга тайёр эканини яна бир бор таъкидлади. Унинг айтишича, яқин кунларда АҚШда ўтадиган Президент ва Исроилдаги парламент сайловлари тинчлик жараёнининг боришига салбий таъсир этмайди. Шунингдек, у АҚШнинг Мэриленд штатида ҳарбий синчилар иштирокида бошланадиган Исроил-Сурия музокараларига муносабат билдириб, музокараларнинг навбатдаги босқичи ўзаро хавфсизликни таъминлашда ижобий натижалар бериши мумкинлигини айтди.

***

АФҒОНИСТОН ҳукуматига мухолифатда бўлган «Толибон» ислом ҳаракати раҳбарлари мамлакат Президенти Бурҳониддин Раббонийнинг рамазон ойида вақтинчалик ўқ отишни тўхтатиш ҳақидаги таклифини рад этди.

«Толибон»нинг расмий вакили Масъум Афғоний, толиблар Президент Раббоний ҳукуматини қурол ёрдамида ағдариб, бутун мамлакатда ҳақиқий Ислом давлатини барпо этмагунча урушни давом эттиришини таъкидлади.

Айни вақтда Қобул радиоси «Толибон» ҳарбий бўлинмаларининг мамлакат пойтахти ва ҳукуматга содиқ бўлган ҳарбий қисмларни ўққа тутгани ҳақида хабар берди.

***

ҲИНДИСТОНда 1994 - 1995 йилги ҳосил мавсуми яхши кечиши натижасида 192 миллион тонна шоли етиштирилди. Бу мамлакат озиқ-овқат заҳираси учун керакли бўлган шоли миқдоридан 13,5 миллион тонна кўпдир. Шу боис, Ҳиндистон ҳукумати жорий йилда четга гуруч экспорт қилиш миқдорини яна бир миллион тоннага оширишга қарор қилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ҳиндистон тарихида шолидан илк бор бундай мўл ҳосил олинди.

***

ЯПОНИЯ ҳукумати Босния ва Герцеговинада ваколотхонасини очишга қарор қилди.

РАТА — ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Япония Босния ва Герцеговинани мустақил давлат сифатида тан олган пайтдан бошлаб ваколатхона очишни мўлжаллаган. Япония ахборот воситаларида эса мамлакат январь ойининг охиригача Боснияни тан олиши мумкин, деб таъкидланмоқда.

***

ШРИ-ЛАНКАда МИ-17 ҳарбий-юк вертолёти бедарак йўқолди. Вертолёт 30 кишидан иборат ҳукумат хавфсизлик кучлари бўлинмасини Жафна ярим оролига олиб бориши лозим эди.

Маълумки, ҳукумат ушбу ярим оролни «Тамил илама» «озодлик йўлбарслари» ҳарбий гуруҳларидан тозалаш мақсадида ҳарбий тадбир ўтказмоқда. Бунинг учун эса Шри-Ланка ҳукумати Украинадан бир неча дона МИ-17 вертолётларини харид қилган эди.

***

МИСР Ислом Республикасининг давлат хавфсизлиги олий суди мамлакат фуқароси Ҳасан Ал-Ибнни уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилди ҳамда унга 1000 Миср фунти миқдорида жарима солди. Суд уни жосусликда айбламоқда.

1981 йилда Ҳасан Ал-Ибн Миср ҳукумати обрўсини тўкиш мақсадида Франциядаги ташкилотларнинг бирига аъзо бўлиб, қўпорувчилик билан шуғулланган.

Германия. Меъморчиликнинг ўзига хос санъати.

Қисқача айтганда

ЁСИР АРОФАТ САЙЛОВДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ўтган шанба куни Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо секторида Фаластин автоном ҳудудлари қонун чиқарувчи кенгашига сайловлар бўлиб ўтди. Унда «Фатҳ» ташкилоти тарафдорлари кенгашдаги 88 ўриннинг учдан икки қисмини эгаллаб, сайловда ғолиб чиқди. Фаластин миллий маъмурияти бошлиғини сайлаш бўйича ўтказилган овоз беришда эса 88 фоиз сайловчилар Ёсир Арофат номзодини маъқул кўришди.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

Россияда Давлат думасидан кейин янги чақириқ Федерация Кенгаши ўз ишини бошлади. Кенгаш таркиби кескин ўзгарди. Унинг учдан икки қисмини янги сенаторлар ташкил этди. Россиянинг юқори палатасига Егор Строев раҳбарлик қиладиган бўлди. Федерация Кенгаши раислигига унинг номзодини маъқуллаб юқори палатанинг 147 аъзоси овоз берди.

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР СОТИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Ингушетия Президенти Руслан Аушев Фармонига биноан ушбу республикада Муборак рамазон ойида спиртли ичимликлар сотиш вақтинча тақиқланди. Бу тақиқ 23 январдан то 24 февралгача давом этади.

СИРНИ ОШКОР ЭТДИ

Францияда собиқ Президент Франсуа Миттераннинг шахсий врачи Клод Гюблер «Катта сир» деган китобини чоп этди. Китобда докторнинг таъкидлашича, марҳум Президент 1985 йилнинг кузидан буён рак касалидан даволаниб келар экан. Бу узоқ муддат сир сақлаб келинган.

Собиқ Президент турмуш ўртоғи ва унинг икки ўғли китобни чиқаришни тўхтатиш мақсадида муаллифни судга беришди. Бироқ 40 минг нусхада босилган «Катта сир» бу пайтга келиб сотиб бўлинган эди.

(Чет эл матбуоти хабарлари асосида тайёрланди).

Шунақаси ҳам бўлади

МЎЪЖИЗАВИЙ СОВУН

ХИТОЙЛИК мутахассислар танадаги ортиқча юкларни «ювиб» ташлашга ёрдам берадиган махсус совун яратдилар. Бу мўъжизавий совунни улар денгиз ўсимликларидан тайёрлашмоқда.

Албатта, юз эшитгандан бир кўрган маъқул. Лекин шуни айтмоқчимизки, Узоқ Шарқ мамлакатларида ушбу «денгиз маҳсулоти»га талаб ортиб бормоқда. Масалан, Хитойнинг ўзида бундай совунлар икки доллар турса, Японияда қарийб 15 долларга сотилмоқда.

ЯПОНИЯДАГИ ЭНГ КЕКСА АЁЛ

ЯПОНИЯНИНГ Адзису шаҳарчасида яшовчи Суэ Утагава ушбу мамлакатдаги энг кекса аёл ҳисобланади. У яқинда ўзининг 112 ёшини нишонлади. Шаҳарча ҳокими (мэри) Суэ аяга туғилган куни муносабати билан рангли телевизор совға қилди.

ЁВВОЙИ ФИЛ ОВЛОВЧИ

ВЬЕТНАМЛИК 77 ёшли И-Прунг исмли отахон ёшлигидан ёввойи фил овлашга қизиқади. Дарвоқе, бу унинг учун ота касб. Бобоси, отаси ҳам илгари шу иш билан машғул бўлишган экан. Кексайиб қолганига қарамай И-Прунг яқинда ҳаёти давомидаги икки юз тўқсон саккизинчи ёввойи филни овлади.

ОШҚОВОҚ НАҚД 70 КИЛОГРАММ ЧИҚДИ

ҲА, БУНАҚАСИ ҳали бўлмаган. Марий Элдаги давлат университети ботаника боғининг лаборатория мудири Константин Фирстов ўз томорқасида ўтган йил кузда нақд 70 килограмм оғирликдаги ошқовоқни етиштирди. Икки дона Чехия селекциясига оид ошқовоқ уруғини унга москвалик ҳамкасблари совға қилишганди. Бир донаси пуч экан. Иккинчиси чунонам ўсиб, том тепасига чиқиб кетди. Уй эгаси бир куни қараса, қарийб 1 метр баландликда, эни 60 сантиметр келадиган ошқовоқ том тепасида етилиб турибди. Ботаник олим уч қўшниси билан зўрға мўъжизавий ҳосилни ерга олиб тушишди.

Мулоҳаза

ОРИ БЎЛСИН ОДАМНИНГ

Муқаддас Ҳадиси шарифларда муҳтож одамга мурувват кўрсатиш, ночор оилага ғамхўрлик қилиш ҳаж зиёрати билан теппа-тенг, савобли эканлиги айтилган. Биз нинг халқ ҳам бу қоидани ҳеч қачон бузмаган.

Оқсоқоллар кенгашига бориб моддий кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўраганимда қўлимга рўйхат тутқазишди. Унга кўз югуртираётиб, икки оила эътиборимни тортди. Бири «ёрдам олишни рад этган», иккинчиси «ногирон эр-хотинлар». Ҳар иккиси ҳам моддий ёрдамга муҳтож. Тўғрироғи, бир қарашда шундай фикрга келасиз. «Кам таъминланган, қаровчисини йўқотган бўла туриб ёрдамдан нега воз кечибди?» Шундай ўй-савол билан улар ҳузурига йўл олдим. Кечки пайт бўлса-да, Акмал уйда йўқ экан. Кўриниб турибди: ўртаҳол, камсуқумгина хонадон. Ҳайратим ортди. Мақсадимни эшитгач, онаси «Акмалжон йўқ деди. Раъйини қайтаролмадим. Ўзим ишлаб топаман шу пулни деб туриб олди. Ёниш-билиш, тенгқурлари олдида ор қилди», дея деворда ги суратга ишора қилди. «Адаси раҳматли ҳам шунақа бир сўзли, ўта ориятли одам эди...» Аёл ички бир хўрсиниш билан тин олди. Сўнгра Акмал ҳақида суҳбатлашдик. Санобар опа мактабда фаррош бўлиб ишларкан. Тўрт фарзанднинг тўнғичи — Акмал. Ҳозир ўрта мактабда, 10-синфда ўқиётган экан. «Дарсдан бўш вақтларида ишлаб, рўзғорга ёрдамлашади», деди онаси.

— Ишлаш ўқишига халақит бермайдими? — сўрайман.

— Йўқ, мактабда яхши ўқийди. Аксарият фанлардан баҳоси «аъло!»

Шу пайт Акмалнинг ўзи келиб қолди. Аввалига ташрифимдан болаларча ҳайратланди. Сўнг катталардек босиқлик билан гап бошлади:

— Опа, тўғриси «оилада боқувчиси йўқ» деган сўз, менинг аламимни келтиради. Ахир мен борман-ку? Ёш бола эмасман, эркакман. Маҳалламиздаги новвойга ёрдамлашяпман. Топишим ёмонмас. Унақа ёрдамни биздан оғирроқ аҳволда яшаётган, эркаги йўқ оилаларга беришсин!

Акмалнинг қалбидаги орият у келажакда ким бўлишидан қатъий назар, ҳалол ва иймонли ўсаётганлигини кўрсатди. Балки унинг бугун топаётган пули баъзилар учун арзимас туюлар. Лекин, нима бўлганда ҳам, эрта-индин катта ҳаёт остонасига қадам қўяётган ёшлар учун бу бир сабоқ.

Кейин... Юқорида «Эр-хотин ногирон» дея ёрдам берилган оилага боргунча ҳам шу ҳақда ўйладим. Дарвозага келдим-у, мулоҳазага бордим: адашмадимми, ночор оилага ҳечам ўхшамайди-ку! Йўқ, адашмабман. Уй соҳиби эшикни очиб, «Хўш, келинг, хизмат?» деди. Ниятимни айтдим.

— Ҳа, ногиронман, ишламайман, қийин ҳозир, — у шундай деб менга синчков тикилди. Савлат тўкиб турган хорижий мебеллару, чиройли, замонавий, дид билан таъмирланган хоналарни кўриб ҳавасингиз келади. Агар бошқача кайфиятда бўлсанг, ҳеч қачон ёрдамга муҳтожлиги кўзингга ташланмаса керак. Ҳаётнинг ўзи шундай. Ҳаётнинг ўзи шундай. Ҳаётнинг ўзи шундай.

— Ҳа, ногиронман, ишлаётганлигимнинг сабаби, ҳеч ким ишонмаса ҳам, ҳеч ким ишонмаса ҳам, ҳеч ким ишонмаса ҳам

Спорт

ЖУРНАЛИСТЛАР ҲАМ КАМАРБАСТА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ҳаётга тадбиқ этишга бағишланган матбуот конференциясида спорт журналистларининг вазифалари ҳақида ҳам сўз борди.

Йиғилиш Ўзбекистон футбол федерациясида бўлиб ўтди. Даврани Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Республика футбол федерацияси президенти З. Алматов бошқарди. У юртбошимизнинг футболни ривожлантиришга катта эътибор бераётгани, ғамхўрлик кўрсатаётганини таъкидлади. Қабул қилинган тарихий қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлади. Давлатимиз нуфузи жаҳон ҳамжамиятида ортиб бораётгани, футболимиз ривожи эса бундай обрўга мос бўлмай қолгани, бу борадаги довруғни ошириш учун барча имкониятлар етарли экани, фақат омиллардан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Қарорни рўёбга чиқаришда спорт журналистларининг вазифалари ҳақида ҳам мулоҳазалар ўртага ташланди. Мухбирларнинг қарорнинг баъзи бандлари, клублар ва муҳлислар, халқ севган ўйин билан боғлиқ масалаларга оид саволларига жавоб қайтарилди. Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими, К. Тўлаганов, Республика Давлат спорт қўмитаси раиси Б. Маҳситов иштирок этишди.

«НЕФТЧИ»ГА УМИД БОҒЛАБ

ЭРТАГА Москвада МДҲ чемпионлари кубоги учун анъанавий футбол мусобақаси бошланади.

Тўртинчи марта ўтказилаётган бу мусобақага қизиқиш катта. 16 жамоа 4 гуруҳга бўлиниб, саралаш ўйинларини ўтказади. Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси «А» гуруҳда «Сконто» (Рига), «Зимбру» (Кишинёв) ҳамда норасмий тарзда Россия ёшлар терма жамоаси билан куч синашади. Саралаш баҳслари 26, 27, 29 январь кунлари бўлади. Гуруҳларда 1-2 ўринларни олганлар чорак финалга чиқади. Чорак финал ўйинлари 30 январь куни бўлади. Ярим финал учрашувлари 1 февралда, ҳал қилувчи ўйин эса 3 февралда ўтказилади. Маълумки «Нефтчи» 2 йил аввал финалга чиқиб, кўпчиликни қувонтирганди. Ҳозир жамоа таркиби анча янгиланган. Демак футболчиларимиз кутилмаган рақиб қабилида ўйнаб, ўзларини кўрсатсалар ажабмас. Вакилларимизнинг кайфиятлари яхши. Сафар олдидан ўтказилган чемпионларни шарафлаш маросими эса ғайрат-шижоат ва маҳорат эътиборсиз қолмаслигининг амалдаги намойишига айланди.

СПАРТАКИАДА ЧЕМПИОНЛАРИ

ЧИРЧИҚДА бир неча кун давом этган бокс бўйича дастлабки мамлакат спартакиадаси якунланди.

Финал учрашувларини муҳлислар ёрзиқиб кутишганди. Боиси энг кучли боксчиларгина ҳал қилувчи баҳсгача етиб келади. Таниқли боксчилардан Наримон Отаев, Руслан Чагаев спартакиада чемпиони бўлишди. Шу ерда Улуғбек Иброҳимов билан Карим Тўлагановни Атланта олимпиадасига бориши эълон қилинди. Маълум бўлишича улар Филиппинда ўтказилган мусобақада ана шундай имкониятга эга бўлишган.

Демак 6 нафар боксчимиз олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Чирчиқда эса вазнларига кўра Алишер Раҳимов, Рефкат Эралиев, Шавкат Абдувоҳидов, Дилшод Каримов, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Илҳом Даурбоев, Икром Бердиев, Ўткирбек Ҳайдаров, Темур Иброҳимов, Жамол Сайфуллаевлар спартакиада чемпиони бўлишди.

Рингда спартакиада ғолиби Шавкат Абдувоҳидов.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бир кам дунё

ЭРКАК — ОИЛАНИНГ УСТУНИ

Ҳаёт жуда мураккаб. Унинг маълум бир қоидаси йўқки, шу асосда бекамукўст яшасанг. «Эркак кишининг хотинидан ажрагани—отда кетаётиб, қамчисини синдиргани билан, баробар» дейдилар. Табиатнинг энг олий мавжудоти саналмиш буст-бутун одам — Аёл нега от қамчисига менгзалган? Афсуски, «эр-хотин — қўш ҳўкиз» деган ибратли мақолга қарши ўлароқ, «ҳўкизлардан» бири, яъни хотин бу кўргуликда — оилавий ажралишда нисбатан кўп нарсани йўқотади. Кўп талаблар айнан унинг зиммасига юклатилади. Нега? Ахир, оиланинг устуни — эркак эмасми? Тўғри, аёллар ҳам ўз табиати, ахлоқи, фикрлаш доираси ва иродасига кўра хилма-хил бўлади. Лекин аёлнинг, фақат аёлнинггина бу даражадаги жабрланиши адолатсизлик эмасми (номусини йўқотиши, соғлиғи, маҳалладаги гап-сўз)?

— Мен хотиним билан мутлақо яшолмайман, — ҳикоя қилади Ш. — Сабаби, уйдагиларни ҳурмат қилмади. Бунинг устига севиб уйланмаганман.

— Сизни-чи, ҳурмат қиладими?

— Ҳар қалай, айтганимни қиларди, — чайналди у.

Ш.ни муҳокама қилмоқчимасмиз, аммо... Севмасанг, тўйгача қаёқда эдинг? — деган савол ёшларининг бирдан-бир талаби қиз ёки йигитнинг фақат моддий жиҳатдан бойлиги бўлиб қолди.

Аслида йигит билан қиз турмуш қурар экан, улар аввало маънавий-руҳий, моддий ва биологик жиҳатлари билан бир-бирига мос келмоғи лозим.

Урф-одатимизга хилоф саналмаган ҳолда «ажрашган йигит» яна тўй кўрмаган, бокира қизга уйланади. Бу ҳеч кимни ажаблантирмайди. Қизиғи шундаки, ҳозирги қизларимиз уларга ҳам тез рози бўла қолишади. (Шу ўринда гарчи кўнгли Алпомишда бўлса-да, барибир қийин шартлар бажарилишини кутган Барчинойни эслайман). Аммо ажрашган аёлга уйланмоқчи бўлган ҳали тўй кўрмаган йигит устига минг хил маломат тоши ёғилади:

— Берган оқ сутимга рози эмасман, — дейди она йиғлаб.

— Оқ қиламан сендай ўғилни! Хонадонимизга иснод келтирмоқчимисан! Шаънимизга доғ туширмоқчимисан! Маҳаллада қандай қилиб бош кўтариб юрамиз? Одамларга нима деймиз? — ғазабланади ота.

— Айб укамда эмас, — гапга аралашади опа, — ўша жувон бу бечоранинг бошини айлантирган. Гап ўша жодугарда.

Тенгдош дўстлар ўзаро шивирлашади. Қочириқ гаплар бир-бирини қувалайди.

— Яхшиси, кечиб қўяқол, — астойдил куюнади энг яқин сирдош дўсти. — Осон йўли шу.

«Мен бир ажралишган жувонни севиб қолдим, — дейди О. деган йигит — Ишонмадингиз, шекилли, бу — ҳақиқат. Тўғри, аввалига ўткинчи ҳавас деб ўйладим. Вақт ўтиши билан ҳисларим алангаланиб кетяпти. У билангина ўтадиган умрим, назаримда, осойишта кечади. Ундаги идрок, инсонни тушуна билиш сингари фазилатларни ҳеч қайси қизда учратмадим, сезмадим»..

— Ундай бўлса, уйланинг.

— Уйимдагилар норози. Улар менинг қиз болага уйланишимни истайдилар. Ўзингиз тушунасиз: маҳалла-қўйчилик... Ҳаммаси ҳам майли-я, мени уйлантиришмоқчи бўлган ўша қизга ачинаман. Бечора бахтсиз бўлади.

«Бир кам дунё, нотанти тақдир!» — дея ўзимизни овутамиз.

Бу фикрлар балки кимларга ўтиришмас. Нима бўлганда ҳам тақдир, инсон тақдири ҳақида мулоҳаза қилганда эҳтиёткорлик зарур.

Ҳар ким ўз ҳақиқати билан яшайди. Гарчи бу ҳақиқатни бошқа биров инкор этса-да, лекин у ўзича ҳақ. Ҳа, содир этилган ҳар бир ишнинг ўз сабаби бор. Ҳар ким ҳар хил таҳлил этади. Энг олий ҳакам вақт. Угина ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Яъни, ҳақиқатни қарор топтиради.

Клара ТОЖИБОЕВА,
журналист.

Шифокор огоҳлантиради

САРИҚНИНГ БЕШ БАЛОСИ

Яқингача сариқ касаллигининг икки — А ва гарчи ўта юқумли бўлса-да, фақат зардобдан, қон орқали юқадиган В турлари маълум эди. Ваҳолонки, бугунга келиб гепатитнинг беш тури, яъни А, В, С, Д ҳамда Е турлари аниқланди. Буларни фақат битта белги — бемор танасининг хасталик даврида сарғайишигина умумлаштиради. Аслида касалликни чақирувчи омиллар, юқиш йўллари, кечиши, асорати бир-биридан фарқланади. Сурункали гепатитнинг ҳамма турида жигар фаолияти бузилади.

Сариқнинг А тури кўпроқ ёш болаларда учрайди. Касаллик ифлосланган сув, шу хасталик билан оғриган бемордан, озиқ-овқатдан, ифлос қўлдан ўтиши мумкин. Баъзи ҳолатда бемор қисқа даврда, асоратсиз тузалиши ҳам мумкин.

В тури билан эса ҳамма ёшдагилар оғриши мумкин. Унинг вирусини ўзида сақлаган қон, зардоб қолдиқлари бўлган игналар, томчи дори қуювчи, текширувга қон топширишда қўлланиладиган санчиқлар, стоматологи, акушер-гинекологик ва жарроҳлик асбоблари орқали ўтади. Бу тур билан оғриган, қонида вирус антигени бўлган онадан туғилган болага касаллик ҳомилалик давридаёқ юқади. Яширин кўриниш (ривожланиш) даври чақалоқда она қорнидаёқ кечади, ғўдак туғилиш пайтида, оилада ўз яқинларига бу касалликни юқтириши ҳам мумкин.

С тури эса қон плазма, зардоб, улардан тайёрланган доридармонлар орқали юқади. Бу вируснинг антигенини қонида олиб юрувчилар кўпроқ донорлардир. У барча ёшдагиларда учрайди. Е эса зарарланган сув орқали, асосан ўрта ёшдагилар (15—30 ёшда) кўпроқ учрайди. Айниқса, ҳомиладор аёллар учун ўта хавфлидир.

Д ёки Дельта гепатити эса ёш «танламайди». Фақат қонида олдиндан В гепатити антигени бўлган беморларга юқади. У охироқибат жигар циррозига олиб келади.

Сариқ касаллигининг яна бир хавфли томони шундки, у, қайси тур бўлишидан қатъий назар, бемор теварагида кўплаб хасталикнинг сарғаймасдан ўтадиган ҳолати бўлиши мумкин. Бу беморлардан касаллик нисбатан енгил-бироз қорин оғриши, бош оғриши, ҳолсизланиш, иштаҳа йўқолиши каби белгилар билан ўтади. Шу сабабли бу «енгил» бемор қатъий даволаниш тадбири, парҳез ҳам сақламайди. Натижада у қайтадан оғриб, хасталик сурункали кўринишга ўтиб олади.

Сурункали гепатит касаллигини аниқлаш ва даволашда республикамизнинг ҳар бир тиббий шаҳобчаларида махсус лабораториялар мавжуд. Улар замонавий, ўта сезгир усуллар ёрдамида бемор қонида вирусли гепатит бор-йўқлигини аниқлаш имконига эгадир.

Малика ХЎЖАЕВА,
Ўзбекистон Фанлар академияси Вирусология илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими, тиббиёт фанлари номзоди.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ *туркумидаги автомобилларни,*
МТЗ *экскаваторлари ва тракторларини,*
автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: **Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М** *двигателларини,* **АТЗ-10К** *ёқилғи заправкачи машиналарини*
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.
Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-69-72, 54-99-11, 54-62-43, 54-62-09.
"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ЭСКИ АҚИДА ПАНД БЕРДИ

Шофиркон туманидаги «Назар» савдо корхонаси жамоаси аҳолига сотиладиган маҳсулотлар сифатига ҳам, сертификатига ҳам асло парво қилишмайди. Жарақ-жарақ пул бўлса бас-да! Чамаси, улар фикрича суриштирувчиларнинг ҳам кўнглини олса бўлади.

Аммо бу эски ақида ҳамма вақт ҳам фойда беравермаскан. Туман прокуратураси, Давлат солиқ инспекцияси, санитария-эпидемиология станциясидан ташриф буюрган назоратчилар қайсар чиқишди. Корхонанинг 1-, 2-дўконларида сотилаётган маҳсулотларнинг сертификатини суриштиришди. Дўкон мудири Абдумўмин Савриев лаб тишлади. Чунки, сотувга чиқарилган томат пастаси, тузланган бодринг, «Шоҳруд» ароғи... Эҳе... санасангиз адоғи йўқ: 60532 сўм 10 тийинлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 2-дўкон мудири Гулназар Шомуродовнинг мулзам бўлганича бор экан. Унинг дўконида ҳам 22794 сўмлик маҳсулотнинг сертификати йўқ. Аммо бемалол сотишяпти.

Туман прокуратураси ушбу ҳолат юзасидан «Назар» корхонаси раҳбари Дўстназар Шомуродов, бош ҳисобчи Зокиржон Одилов, ҳар иккала дўкон мудирлари Абдумўмин Савриев, Гулназар Шомуродовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 166-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатди. Туман халқ суди эса ушбу ишни кўриб чиқиб, юқоридаги 83326 сўм 10 тийинлик озиқ-овқат маҳсулотини давлат фойдасига мусодара қилди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБАТ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
(BAT Central Asia)
Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
BAT

ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси Ўзбекистон иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган инвесторлардан биридир. Биронта саноат корхонаси ўз ходимларига ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонасидек ғамхўрлик кўрсатмайди. Биз ўз мутахассисларимизга касб маҳоратларини оширишлари учун қулай имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя ажратиш — ўз ишини биладиган одамларга маблағ ажратишдир.
ЎЗБАТ акционерлик жамияти қўшма корхонаси қуйидаги бўш ўринларга мутахассисларни
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ОПЕРАТОР-МАШИНИСТЛАР
Ўрта техник ёки олий техник маълумотга ва ишлаб чиқаришда амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

МАШИНИСТ– БОШҚАРУВЧИЛАР
Ўрта техник ёки олий техник маълумотга эга бўлган ва ишлаб чиқаришда ёки ўқув юртида (ўқиш даврида) амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

ЭЛЕКТРИКЛАР
Ўрта махсус ёки олий маълумотли, бошқариш саноат-электрон ускуналарини тузатиш ва назорат қилиш бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлганлар

МЕХАНИКЛАР, ЧИПАНГАРЛАР, ТЕХНИКА СОЗЛОВЧИЛАР
Ўрта техник ёки олий ўқув юртларининг битирувчилари ишлаб чиқаришда ёки ўқув юртида (ўқиш даврида) амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.
Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билганлар ўз касб маҳоратларини келажакда янада ошириш учун қўшимча имтиёзга эга бўладилар.

САНОАТ-ЭЛЕКТРОН УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР
Ўрта махсус ёки олий маълумотли, рақамли программали бошқариш саноат-электрон ускуналарни тузатиш ва назорат қилиш бўйича амалий иш тажрибасига эга бўлганлар.

Бўш ўринларга даъвогарлар Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтган, кўрсатилган мутахассисликлар бўйича камида уч йил ишлаган ва сменали режим (тартибда) ишлашга тайёр бўлишлари керак.
Тўлдириш учун анкеталарни Тошкент шаҳар, Носиров кўчасидаги 77-уйда жойлашган Тошкент тамаки фабрикасидан олиш мумкин.

Қатъий конкурс асосида дастлабки танловдан ўтган барча даъвогарлар анкетани тўлдириб топширганидан сўнг бир ой мобайнида суҳбатга чақирилади.

ЎЗБАТ *акционерлик жамияти қўшма корхонасида ишласангиз сиз кўпроқ муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўласиз!*

Лукма

ЖЎЖАНИ ... БАҲОРДА САНАШМОҚЧИ

Сурхондарёда 776 та ўрта таълим мактаби бор. Деярли ҳар икки мактабнинг биттасига деҳқончилик қилмоқ учун ер майдони ажратиб берилган.

Мактаб жамоалари ерда етиштирган зироатларимиз даромади, ҳеч бўлмаганда, таъмирлов харажатларини кўтарар деган ниятни билдиришганди. Бироқ, зироат тушмагур яхши бўлмаяптими, мактабларнинг таъмирлов ташвишлари кўп ҳолларда ҳамон оталиқ ташкилотларнинг ё бюджетнинг зиммасида қолиб, келмоқда.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э. Тангировнинг айтишича, мактабларга тегишли аксарият майдонларда мевали-ю мевасиз дарахтларнинг кўчатлари етиштириладиган бўлди. Ҳозирча 1,5 миллион дона кўчат бор. Сотилади. Даромади, демак, баҳорда сарҳисоб қилинади.

Шоядки, бу даромад вилоятдаги мактабларни таъмирлашга асқотиб қолса?

Олимжон УСАНОВ.

ЎЗБАТ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ўзбек-Британия қўшма корхонаси ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
BAT

ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун энг катта инвесторлардан биридир.
Биронта бошқа саноат компанияси ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти даражасида ишчиларига ғамхўрлик кўрсатмайди.
Биз мутахассисларимиз касби ва маҳоратини оширишига катта имконият ва шароитлар яратиб берамиз. Биз учун бизнесга сармоя жалб этиш — бу сармояни ўз ишини яхши биладиган одамларга сарф этишдир.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида йирик инвестиция компаниясидир.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти Марказий Осиёда тамаки ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг илғор даражага эришишни ўзига мақсад қилиб олган.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси акционерлик жамияти бўш лавозимларни эгаллашга ва ёши 40 дан ошмаган ишчиларни Тошкент тамаки фабрикасига, Ургут ферментация заводига ҳамда яқинда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарет фабрикасига қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади:

- **муҳандис-механик;**
- **муҳандис-электроник;**
- **техника ҳимоясидаги муҳандис;**
- **ишлаб чиқарши участкаси устаси;**
- **электрик-муҳандис;**
- **технолог-муҳандис;**
- **ишлаб чиқариш бўйича менежер**

Компьютерда ишлаш тажрибаси ва уч йилдан кўп меҳнат стажи эгалари ишга олинишда қўшимча имкониятларга эга бўлади.
Инглиз тилини билиш шарт эмас, аммо билса яхши бўларди. Компанияга садоқатлигингиз нафақат яхши ойлик, шунингдек, янги системалар асосида ўқиш, малака ошириш ва махсус курсларда инглиз тилини ўрганиш имкониятлари билан рағбатлантирилади.

Сўровномани тўлдириш учун уни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
— Тошкент шаҳар, Носиров кўчаси, 77. Тошкент тамаки фабрикаси.
— Самарқанд шаҳар, А. Рудакий кўчаси, 150. Самарқанд тамаки-ферментация заводи.
— Ургут шаҳар, Навоий шоҳкўчаси, 10. Ургут тамаки-ферментация заводи.
Танлов асосида биринчи босқичдан ўтганлар сўровномани топширгандан сўнг бир ой ичида суҳбатга таклиф қилинади.
ЎЗБАТ қўшма корхонаси билан биргаликда муваффақиятга эришишда сиз катта имкониятларга эга бўласиз.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни жамоаси Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор Н. М. Мажидовга онаси **РИХСИ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Сиҳат-саломатлик» журнали жамоаси журнал бош муҳаррири Наби Мажидовга волидаи муҳтарамаси **РИХСИ** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институти жамоаси катта илмий ходим, иқтисод фанлари номзоди И. Турсунмуҳамедовга онаси **Ирина Михайловна МЕЗЕНЦОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

● *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
● *Газета офсет усулида А—2 форматида босилади*
● *Ҳажми 2 босма табоқ*
● *Г — 03*

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи Р. ШОДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. *Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.00.* 123456.